# А. А. ГРОМИКО ХЕНГ САМРИН БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико Совет Иттифоқида дам олаётган Кампучия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Кампучия Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Хенг Самрин билан 3 октябрь куни Кремлда учрашди.

А. А. Громико СССРда совет жамиятини социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, КПСС XXVII съезди қарорлари асосида давлатимизнинг ташқи сиёсий стратегиясини амалга ошириш соҳасида бажарилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб берди.

Хенг Самрин қадимий Кампучия диёрида янги жамият барпо этиш юзасидан КХРП V съезди ўртага қўйган вазифаларни Кампучия меҳнаткашлари қандай бажараётганликлари тўғрисида ахборот берди.

Иккала томон партиялараро ва давлатлараро алоқаларнинг муваффақиятли ривожланиб бораётганлигидан чуқур мамнуният изҳор қилди, Совет — Кампучия ҳамкорлигини турли соҳаларда бундан буён ҳам муттасил кенгайтириб боришига ҳар иккала томон азму қарор берганлигини таъкидлади.

Ҳозирги халқаро вазиятни муҳокама қилиш чоғида тинчлик учун, ядро синовларини тўхтатиш учун, келгуси аср бошигача ялпи қирғин қуролини батамом тугатиш учун курашда барча тинчликсевар мамлакатларнинг, ҳамма халқларнинг ҳаракатларини янада кучайтириш ва мувофиқлаштириш масалаларига асосий эътибор қаратилди.

Ҳар иккала томон КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг АҚШ президенти Р. Рейган билан Рейкьявикда бўлажак учрашуви тўғрисидаги хабар халқаро кўламда кенг маъқуллаб кутиб олинганлигини чуқур мамнуният билан таъкидлади. Халқлар ана шу учрашув Совет — Америка муносабатларини яхшилашга, жаҳонда кескинликни юмшатиш йўлидан олға силжишга кўмаклашиши керак. деб ҳисобламоқдалар.

М. С. Горбачевнинг Владивостокда сўзлаган нутқида олға сурилган амалий ташаббусларни рўёбга чиқаришнинг эҳтимол тутилган йўллари тўғрисида фикрлашиб олинди. Ана шу ташаббуслар Осиё ҳамда Тинч океан ҳавзасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилгандир.

— Совет Иттифоқи, — деди А. А. Громико, — Осиё — Тинч океан регионидаги барча мамлакатларга мурожаат этиб, тинчлик ва ўзаро хавфсизлик манфаатлари йўлидан ҳамкорлик қилишга даъват этди. Шу мақсадга интилаётган ҳар бир киши совет кишиси сиймосида жиддий ҳамсуҳбат ва ҳалол шерикни топади.

Совет томони СССР Жануби-Шарқий Осиёдаги мавжуд проблемалар сиёсий йўл билан ҳал этилишининг қатъий тарафдори эканлигини таъкидлади. У Ҳинди-Хитой давлатларининг ХХР билан ва АСЕАНга аъзо бўлган мамлакатлар билан бевосита мулоқотни йўлга қўйишга тайёр эканликларига бирдамдир.

Хенг Самрин Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлига юксак баҳо берди ва Кампучия Совет Иттифоқининг барча тинчлик ташаббусларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганлигини билдирди.

— Ҳинди-Хитой мамлакатлари, — деб таъкидлади у, барча давлатлар билан яхши муносабатлар ўрнатилишидан, Кампучия теварагидаги ва Жануби-Шарқий Осиёдаги вазият нормаллаштирилишидан астойдил манфаатдордирлар.

Хенг Самрин янги ҳаёт қурилишида, Кампучия халқининг тинч меҳнатини ҳимоя қилишда унга бераётган доимий ёрдами ва мадади учун Совет Иттифоқига чуқур миннатдорчилик изҳор қилди. (ТАСС).

# ИЖОД ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

ривожланишини қўллаб-қувватлашлари, бу ишга аспирантлар ва студентларни кенгроқ жалб этишлари кераки, уларни тадқиқот ишларига, амалий ҳаёт проблемаларини тушуниб етишга жалб этишда катта аҳамият касб этган бўлур эди.

КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари **Ю. С. Карабасов** ўз нутқини ижтимоий фанлар кафедраларига партиявий раҳбарлик масалаларига бағишлади. Партия комитетларининг бу соҳадаги ишларидаги камчиликлар жамиятшуносликнинг практика билан алоқасини таъминловчи система йўқлигида намоён бўлмоқда, деди у, партия ходимлари жамиятшунос муаллимларнинг кундалик ҳамкорликлари ҳам тегишли даражада эмас. Нотиқ партия ходимларининг кафедралар олимлари билан учрашувларини камдан-кам бўладиган хол деб атади. У жамиятшунос муаллимларнинг шаҳар семинарлари бундан бир неча йил аввал ўз фаолиятини тўхтатганлигини ҳам камчиликлар қаторига киритди. Семинар ишини яна бошлаш эндигина режалаштириляпти, деди у.

Бугунги кунда шаҳар партия комитети жамиятшунос кадрлар билан ишни давом эттириш, фан докторларини тайёрлашни шахсан кузатиб бориш, жамиятшунос студентлар ва аспирантларни маълум мақсад учун танлаш принципини кенгайтириш вазифасини ўз олдига қўймоқда.

КПСС тарихи, фалсафа, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм секцияларининг мажлислари бўлиб ўтди.

* * *

Жамиятшунос олимларнинг назарий фаолияти қайта қуришнинг ғоят муҳим воситаси бўлиб қолмоқда. Ижтимоий фанлар кафедралари мудирлари Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари жамиятшунос олимларнинг турмушдаги янги ходисалар ва жараёнларни идрок этишга қаратилган конкрет тадқиқотлари программасини белгиладилар. Кенгаш 3 октябрь куни Москвадаги Катта Кремль саройида ўз ишини тамомлади.

Новаторларча, ижодкорлик билан ишлайдиган бўлсак, ўқитишнинг эскириб қолган методлари ва методикаларини тубдан ўзгартириш тўғрисида кенгашимиз минбаридан янграган даъватни рўёбга чиқара оламиз, деди Киев университети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар муаллимлари малакасини ошириш институтининг директори **Б. И. Королев.** Шу ишда қарор топган кўп йиллик форма ва методлар тубдан ўзгартирилиши зарурлигига биз амалда ишонч ҳосил қилдик, деб таъкидлади у. Таълим жараёнини ташкил этишга ахборот бериш, маърифат нуқтаи назаридан ёндашиш ўқитишга новаторларча ёндашувни шакллантиришга асло кўмаклашмайди. Ҳозир амалда бўлган типовой ўқув плани тингловчиларни лекциялар билан ортиқча кўмиб ташлашга мажбур қилади, улар билан ишлашда ташкилий ишларга ҳаддан ташқари берилиб кетишга олиб келади. Институтда малака оширишни истовчи кишилар йил сайин камайиб бораётганлиги тасодифий эмас.

Шу муносабат билан нотиқ давр тингловчилар билан ишлашда кўпроқ индивидуаллаштириш зарурлигини қатъий тақозо этаётганлигини уқтириб ўтди. Энг малакали, тажрибали тингловчиларнинг индивидуал план асосида шуғулланиш ҳуқуқини тиклаш пайти келди.

Совет Армияси ва Ҳарбий-денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари **Д. А. Волкогонов** ўз нутқини жангчиларни ғоявий-маънавий жиҳатдан тарбиялаш вазифаларига ва ижтимоий фанларнинг шу жараёндаги ролига бағишлади.

Олий ҳарбий мактабни қайта қуришда, деди у, ижтимоий фанларни ўқитишни ҳарбий қурилиш практикаси талаб-эҳтиёжларига ва аввало тинчликнинг ғоят муҳим моддий гарантияси бўлмиш ҳарбий-стратегик мувозанат сақланишини таъминлаш каби вазифани ҳал этишга энг кўп даражада яқинлаштиришга асосий эътибор берилмоқда. Бироқ айни вақтда биз айтамизки, эҳтимол тутилган душман билан ҳеч қандай маънавий мувозанат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деди нотиқ. Бизнинг идеологиямиз, маданиятимиз, маънавий бойликларимизда шубҳасиз маънавий афзаллик бўлиб, академиялардаги, ҳарбий билим юртларидаги жамиятшунослар мана шу потенциалдан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Нотиқ олий ҳарбий мактаб ҳозирдаёқ қайта қурилаётганлигини, ҳарбий академиялар учун программа қайта ишлаб чиқилганлигини, таълимнинг ижодий актив формалари жорий этилаётганлигини маълум қилди. Ҳарбий тадқиқотчилар ҳарбий ишдаги янги тенденциялар ва қонуниятларни идрок этиш учун кўп иш қилмоқдалар.

Белоруссия университети табииёт факультетлари фалсафа кафедрасининг мудири **В. С. Степин** малака ошириш институти программасида умумгуманитар фанлар циклини кўзда тутишни таклиф қилди. Ижтимоий, табииёт ва техника фанлари бирлашувининг ҳозирги босқичини ҳисобга олиб, деди у, жамиятшуносларга табииётшуносликнинг ҳозирги аҳволига тааллуқли билимлар бериш зарур.

Сўнгра нотиқ ёш жамиятшунос кадрлар тайёрлаш проблемаларига тўхталиб ўтди. Биз ёшларга қандай социал тажриба намуналарини сингдирсак, улар бизнинг ўрнимизга худди шундай мутахассислар бўлиб келадилар, деб таъкидлади у.

Олий мактабда ва комсомолда қайта қуриш вазифалари бир-бири билан чамбарчас боғланмоқда, деб таъкидлади ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. И. Мироненко** Студентни таълим-тарбия жараёнининг тўла ҳуқуқли қатнашчиси эмас, балки таъсир ўтказишнинг пассив объекти, деб билиш одат тусига кириб қолганлиги, деди у, қайта қуриш йўлидаги ғовларнинг биридир. Студентни актив изланишга ва ҳақиқатни билиб етишга қўшмай туриб таълим ва тарбия жараёнини янгича қуриб бўлмайди. Тайёр ҳақиқатларга узоқ вақт бошлаб беришдан кўра, уларни эълон қилиш осонроқ. Ҳолбуки, ўқиш асосан муаллимнинг монологи формасида олиб борилади, буни фақат семинар машғулотларигина бўлиб туради. Нотиқ таълимнинг барча формаларини активлаштириш, студентларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлигини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Биз студентларнинг ўз-ўзини бошқаруви тўғрисида кўп гапирамиз, деди у. Аммо одатда биз уни сўзда эътироф этиб, амалда эса ўз-ўзини, бошқарувни ётоқхоналардан, студентларнинг ошхоналари ёки клубларидан нарига ўтказиш ниятимиз йўқ. Нотиқ кенгашда ўртага қўйилган вазифаларни рўёбга чиқаришда ўқитувчиларгина эмас, шу билан бирга студентлар ҳам ўзларининг ҳиссасини қўша оладилар, деб таъкидлади.

Бизнинг олий ўқув юртимизни битириб чиққан кишиларнинг кўпчилиги чинакам малакали мутахассислар бўлиб, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшаётганликларида жамиятшуносларнинг ҳам хизмати каттадир, деди Ленинград политехника институти партия комитетининг секретари **Ю. К. Михайлов.**

Ижтимоий фанлар муаллимлари бўлғувси мутахассиснинг билими учунгина эмас, шу билан бирга маънавий қиёфаси учун ҳам алоҳида жавобгардирлар, деди Қирғизистон медицина институти сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм кафедрасининг мудири **Н. Х. Кумскова.** Биз КПСС тарихини ҳам, фалсафа, сиёсий иқтисод, илмий коммунизмни ҳам ўрганган мутахассисни чиқарамизу, амалий ишда эса унинг қўрс ва тошбағир эканлиги, беморлар билан қўпол муомалада бўлиши кўриниб қолади. Бунинг учун биз, ижтимоий фан муаллимлари зиммасида ҳам муайян айб бор. Ҳаёт жуда мураккаб, биз бўлсак баъзан унинг ўткир қирраларини текислаб юборишга ҳаракат қиламиз.

Москва давлат университети адабиёт назарияси кафедрасининг мудири **П. А. Николаев** ўз нутқида ижтимоий фанлар системасига киритилган адабиётшунослик проблемалари устида тўхталиб ўтди. У адабиётшунослик ва танқиднинг идеологик табиатини, уларнинг социал мезонларини янада чуқурроқ идрок этиш, адабиётшунослик тафаккури билан турдош илмий фанлар алоқасини мустаҳкамлаш зарур, деб таъкидлади. Ҳозир адабий тафаккур сифати, деб таъкидлади нотиқ, ихтисослаштириш нуқсонларидан зиён кўрмоқда. Ҳозирги замон танқидини универсал фикр юритиш методига йўналтирмоқ керак.

Адабиётшунослик ва адабий танқидга ёрдам бериш, жумладан рус адабиёти билан мамлакатимиздаги бошқа миллий адабиётлар муносабатини тушуниб етиш ниҳоятда муҳим. Кўп миллатли совет адабиётининг равнақи мамлакатимизда Улуғ Октябрдан кейин вужудга келган социал шароитлар билан тушунтириб берилганидагина танқидий фикр ўзининг масъулиятли идеологик вазифасини бажаришга лаёқатли ҳисобланади.

СССР олий ва ўрта махсус таълим министрининг ўринбосари **В. И. Зубарев** секциялар иши якунларини маълум қилди. Кенгашимизнинг иш йўналиши КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев нутқи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев доклади билан белгилаб берилди ва бу нутқ ҳамда докладда КПСС XXVII съездининг партия назарий иши масалалари меҳнаткашларни, совет ёшларини ғоявий-сиёсий тарбиялаш масалалари юзасидан кўрсатмалари янада ривожлантирилди ва конкретлаштирилди, деди у.

Секцияларнинг мажлисларида партиянинг социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, студентларни марксча-ленинча тайёргарлигини ва уларни коммунистик руҳда тарбиялашни яхшилашни кўзловчи стратегик йўлини амалга оширишда ижтимоий фанлар кафедралари, профессорлари ва муаллимлари ролини оширишнинг энг самарали йўллари ва воситалари изланди.

Ижтимоий фанларга доир янги ўқув программаларининг лойиҳалари, Бутуниттифоқ кенгашининг тавсиялари асосан маъқулланди. Сўзга чиққанлар илмий-тадқиқотларни кучайтиришни, бу тадқиқотларни турмуш, практика талабларига яқинлаштиришни кўзловчи бир қанча таклифлар киритдилар.

Секцияларнинг иши, деди пировардида нотиқ, жамиятшунослар ўзларининг бутун фаолиятларини қайта қуришдан чуқур манфаатдор эканликларини ҳамда КПСС XXVII съездининг тарихий қарорларини амалга оширишга, партиянинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш, совет мутахассислари янги отрядлари марксча-ленинча профессионал тайёргарлигининг сифат жиҳатидан янги даражасига эришиш йўлини амалга оширишга тайёр эканликларини намойиш этди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари **М. В. Зимянин** кенгашни ёпа туриб бу учрашув мамлакат ҳаётида муҳим ижтимоий воқеа бўлганлигини айтди.

Бу кенгашда партиямиз Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлаганлиги партия совет жамиятини жадаллаштириш, қайта қуриш, сифат жиҳатидан янги ҳолатга эриштириш йўлини амалга оширишни ғоявий-назарий фаолиятни кучайтирмасдан, ривожланаётган социализм ижтимоий муносабатларини такомиллаштириш амалий чораларини пухта илмий жиҳатдан таъминламасдан тасаввур этиб бўлмайди, деган қатъий ишончдан келиб чиқиб, ғоявий-тарбиявий ишга, ижтимоий фанларга катта эътибор бераётганлигини зўр куч-қуввати билан таъкидлади. Марказий Комитет 1985 йил апрель Пленуми, партия XXVII съезди ғоялари янада ижодий ривожлантирилишидан иборат бўлган шу программавий нутқни биз сизлар билан мамлакатда олий таълимни ривожлантириш, олий мактабларимизни қайта қуриш ва шу билан бирга ижтимоий фанларни янада ривожлантириш борасидаги ишларимизга негиз қилиб олишимиз кекрак.

Е. К. Лигачев докладида олий мактабда ижтимоий фанларни ўқитиш ва умуман жамиятшунослигимизнинг аҳволи ҳар томонлама таҳлил этилди, уларни янада такомиллаштириш вазифалари белгилаб берилди.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министри Г. А. Ягодиннинг, кенгаш қатнашчиларининг нутқлари олий мактабнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш, уни қайта қуришни жадаллаштириш иштиёқи билан йўғрилганлиги кишини мамнун қилади. Биз кенгаш ғоялари ва хулосаларини олий мактабнинг барча ходимларига етказишимиз, ҳар бир олий мактаб, ҳар бир ижтимоий фан кафедрасининг вазифаларини муҳокама қилишимиз зарур.

М. В. Зимянин КПСС Марказий Комитети номидан жамиятшунос олимларга уларнинг ёш авлодни марксизм-ленинизм ғояларига, социалистик Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган олижаноб фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Кенгаш ишида Г. А. Алиев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов ўртоқлар қатнашдилар.

(ТАСС).

# ВАТАННИНГ МУНОСИБ ҲИМОЯЧИЛАРИНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

3 октябрь куни Ўзбекистон ССР прокуратурасидаги идоралараро мувофиқлаштириш кенгашида ёшларни СССР Қуролли Кучлари сафларидаги хизматга тайёрлаш тўғрисидаги қонунларнинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Кенгашда республика ҳуқуқ муҳофаза қилиш органлари, ҳарбий комиссариати, министрликлари ва идораларининг, Туркистон ҳарбий округи штаби ва ҳарбий прокуратурасининг раҳбарлари қатнашдилар.

Кейинги вақтларда ёшлар билан ишлаш кучайганлиги, Совет Армияси сафларига баҳорги чақириқ анча уюшқоқлик билан ўтказилганлиги айтилди. Шу билан бирга ҳанузгача ҳарбий учёт интизомини бузиш фактлари, ҳарбий комиссариатларга келмаслик ҳоллари учраб турибди, деб таъкидлашди нотиқлар. Маҳаллий Советларнинг баъзи ижроия комитетлари, корхоналар, муассасалар ва ўқув юртларининг раҳбарлари рўйхатдан ўтиши лозим бўлган ёшларнинг рўйхатларини ҳарбий комиссариатларга ўз вақтида топширмаяптилар. Бошланғич ҳарбий тайёргарлик моддий-техника базасини ривожлантиришга тегишли эътибор берилмаяпти. СССР Қуролли Кучларига тўла ўрта маълумотга эга бўлмаган, рус тилини тузук билмайдиган ёшлар чақирилиши ҳоллари оз эмас.

Кенгашда ёшлар билан ишлашни тубдан яхшилаш. ёшларни армия хизматига тайёрлаш тўғрисидаги қонунлар аниқ ижро этилишини кўзловчи тавсиялар ишлаб чиқилди.

(ЎзТАГ).

ОСИЁ ВА ТИНЧ ОКЕАНИ ҲАВЗАСИ МАМЛАКАТЛАРИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РЕГИОНАЛ СЕМИНАРИ

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ



**СУРАТДА: семинар қатнашчиларидан бир группаси.**

**ЎзТАГ фотохроникаси.**

3 октябрь куни Осиё ва Тинч океан ҳавзаси мамлакатлари хотин-қизлар ташкилотлари регионал семинарининг қатнашчилари «Аёл ва тараққиёт» мавзуидаги мунозарани тугатдилар. Мунозарада Совет хотин-қизлари комитети раисининг ўринбосари Ксения Проскурникова, Кампучия Революцион хотин-қизлари уюшмасининг вакили Рос Серей, Тинчлик ва озодлик учун курашувчи хотин-қизлар халқаро иттифоқининг вакили Агнес Ранзингер, «Бангладеш махила шомити» ташкилотининг бош секретари Шахара Кхатун, Тинчлик ва озодлик учун курашувчи хотин-қизлар халқаро иттифоқи Америка секцияларидан бирининг раҳбари Лойс Хамер, Лаос хотин-қизлари союзи халқаро алоқалар бўлимининг мудири Фолсена Кхемпфет, Янги Зеландия Хотин-қизлар иши бўйича миллий кенгаш вакили Лаура Салас, Афғонистон Министрлар Совети юридик бўлимининг раҳбари Сафия Хесаби, Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг вакили Малабика Четтержи, Эскато социал масалалар бўйича масъул секретари Кейт Эмрих ва бошқалар қатнашдилар.

Мунозаралар чоғида ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида хотин-қизлар билан эркаклар реал тенглигини таъминлаш зарурлиги айтилди. Кўпгина социал проблемаларнинг ечими шунга боғлиқ. Сўзга чиққанлар Осиё ва Тинч океан ҳавзаси мамлакатларида хотин-қизларнинг аҳволи масалалари хусусида фикрлашиб олдилар. Хотин-қизлар ҳамиша тинчлик ва социал тараққиёт учун курашчиларнинг олдинги сафларида турганликлари таъкидланди. Тошкентда ўтаётган семинар халқлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, инсониятнинг тинч келажаги учун курашда региондаги барча хотин-қизларнинг куч-қувватларини бундан буён ҳам бирлаштиришга хизмат қилади.

(ЎзТАГ).

# Қурилиш комплексларини бошқариш такомиллаштирилсин

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Мамлакат қурилиш комплексини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида» ва «Қурилишдаги хўжалик механизмини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини амалга ошириш юзасидан биринчи галдаги вазифалар 3 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган республикалараро кенгашда кўриб чиқилди.

Кенгашда Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон партия ҳамда совет раҳбарлари, СССР ва Ўрта Осиё республикалари министрликлари ҳамда идораларининг раҳбарлари, республика қурилиш ва лойиҳа ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети қурилиш бўлимининг мудири А. Г. Мельников кенгашни очиб, партия билан ҳукуматнинг энг муҳим ҳужжатларида қурилишдаги хўжаликни юритишнинг янги системасини вужудга келтириш йўллари кўрсатилганини, истиқболда уни ривожлантириш концепцияси белгилаб берилганини уқтириб ўтди. Қайта қуриш зарурати аллақачон пишиб етилган эди. Энди куч ва воситаларнинг сочиб юборилишига чек қўйиш, кўп бўғинлиликни тугатиш, қурилиш ташкилотларининг хўжалик мустақиллигини таъминлаш пайти келди. Мана шуларнинг ҳаммаси Ўрта Осиё регионидаги шу тармоқни ривожлантиришга ҳам яқин вақт ичида таъсир ўтказиши лозим.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госстройининг раиси Ю. П. Баталин доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда СССР Қурилиш банки правлениеси раисининг ўринбосари Я. Н. Дубинецкий, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госпланининг раиси И. А. Каримов, Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ю. П. Зацаринний, Ўзбекистон ССР қурилиш министри А. Г. Мананников, Қирғизистон ССР қурилиш министри Н. И. Исанов, Туркманистон ССР қурилиш министри М. Д. Жумақулиев, «Узагропромстрой» бирлашмасининг раиси Б. С. Ҳамидов, «Главташкентстрой»га қарашли «Висотстрой» 11-трестининг бошқарувчиси П. Г. Саркисов, Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги 93-ихтисослаштирилган трести комсомол-ёшлар монтажчилар бригадасининг бошлиғи В. Ш. Яруслаев ва бошқалар қатнашдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар шуни таъкидладиларки, Ўрта Осиё регионининг қурилиш ташкилотлари ўтган беш йилликда саноат корхоналари, уй-жой, социал-маданий-маиший объектларни фойдаланиш учун топширишда жуда орқада қолдилар. Қурилаётган саноат ва уй-жой-граждан объектлари ўртасида жиддий номутаносиблик вужудга келди. Қурилишнинг сифати ҳақида айниқса кўп таъна эшитилмоқда. Масалан, Ўзбекистонда уч юзга яқин иншоотни барпо қилишда лойиҳа ва қурилиш қоидалари қўпол равишда бузилди. Тожикистонда қурилиш ишларининг пландаги нормалари ҳатто мавжуд нормалардан бир ярим баравар ортиқ қилиб белгиланмоқда. Қирғизистон ва Туркманистон республикаларида уй-жой, мактабгача тарбия муассасалари, соғлиқни сақлаш объектларини қуришда жуда орқада қолинмоқда.

Регионда қурилиш ташкилотлари ва уйсозлик комбинатларининг қувватларидан суст фойдаланилмоқда. Бу ерда истиқболли яхлит ва комплект-блок усулларига жадал ўтилмаяпти, самарали конструкциялар ва материаллардан етарли фойдаланилмаяпти. Қурилиш майдончаларида қўл меҳнатининг улуши ҳали ҳам анча катта.

Кадрлар масаласида ташвишли аҳвол вужудга келди: қурувчиларнинг ярмиси талабдаги касб маҳоратига эга эмас. Фойдаланиш учун топширилаётган объектлар, шу жумладан уй-жойлар ва мактабгача тарбия муассасалари сифатининг пастлиги мана шундан келиб чиқмоқда. Ҳолбуки, Ўрта Осиё регионида кадрларнинг катта резерви бор: биргина Ўзбекистонда қўшимча равишда 200—400 минг мутахассис, Тожикистонда 150 минг, Қирғизистон ва Туркманистонда ўн минглаб мутахассис тайёрлаш мумкин. Бунинг учун ҳунар-техника таълими, илғор тажриба мактаблари системаси қайта қурилиши керак.

Мамлакат илғор коллективларининг тажрибасидан актив фойдаланиш зарурлиги кенгашда уқтириб ўтилди. Икки ва уч сменали графикка ўтишни оғизда эмас, балки амалда таъминлаш, техниканинг самарадорлигини ошириш, бунинг учун эскирган машина ва механизмларни ҳисобдан чиқариб ташлаб, замонавий машина-ускуналарни унумли ишлатиш пайти келди. Республикаларнинг Министрлар Советлари, қурилиш министрликлари ва идоралари олдида капитал қурилишдаги хўжалик юритишнинг янги принципларига жадал ўтишдан иборат масъулиятли вазифа турибди. Қайта қуришни жуда қисқа муддатларда, йўл-йўлакай ниҳоясига етказиб, айни вақтда шу йилги планларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва бутун беш йиллик мобайнида барқарор ишлаш учун замин яратиб қўйиш лозим.

План, таъминот, молия органлари, буюртмачи министрликлар эскирган лойиҳаларни тезроқ қайта кўриб чиқишлари, тўхтатиб қўйилиши лозим бўлган объектлар рўйхатини белгилашлари, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш, шу жумладан хўжалик усулида бажариладиган ишлар ҳажмини кескин оширишлари керак.

Шу беш йилликда регионнинг қурилиш ташкилотлари қурилиш-монтаж ишларининг мислсиз катта ҳажмини бажаришлари керак. Меҳнат унумдорлигини тез ўстириш, иқтисодий тежашни, меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлаш шароитидагина бунга эришиш мумкин. Ҳозирги бош вазифа қурилиш базасининг имкониятлари билан капитал маблағ планлари ўртасида вужудга келган номутаносибликни тугатишдан, шу иккита асосий кўрсаткични баланслаштириб олишдан иборат. Объектларни тўла-тўкис битказиб, «калитини топшириш» деб аталган илғор усулни имкони борича тезроқ жорий қилиш, ташкилотларда қурилишдаги янги хўжалик механизмини жорий этиш соҳасида ўтказилаётган ишни қаттиқ назорат қилиб туриш лозим. Меҳнат коллективларини нарядсиз ишлаш усулига ўтказиш бу вазифаларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Қурилишдаги қайта қуриш тадбирларнинг кенг комплексини назарда тутади. Бу тадбирлар қурувчиларнинг буюртмачилар билан ўзаро муносабатига ҳам тааллуқлидир. Бу соҳада рағбатлантириш ва жазо чоралари системасидан, ўзаро масъулият, шартномавий интизомни мустаҳкамлашнинг бошқа йўлларидан иложи борича кенгроқ фойдаланиш керак.

Қурилиш коллективларидаги партия ташкилотларининг куч-ғайратлари, уларнинг сиёсий-тарбиявий фаолияти конкрет вазифаларни ҳал қилиш билан чамбарчас боғланиши лозим. Ҳозир ўтказилаётган қайта қуришнинг натижалари учун раҳбар ходимларнинг шахсий масъулиятини сабот билан ошириш, капитал қурилиш масалалари билан шуғулланувчи кадрларга нисбатан талабчанликни кучайтириш керак.

Кенгаш КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг капитал қурилишдаги хўжалик механизмини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорларини бажариш, регионнинг энг муҳим халқ хўжалик тармоқларини КПСС XXVII съезди қарорлари талаб қилганидек интенсивлаш изига ўтказиш юзасидан конкрет тадбирларни белгилади.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Н. Лобко, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. И. Семенов, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Ф. Жуленев, СССР бинокорлик материаллари саноати министри С. Ф. Военушкин, СССР Госстройи раисининг ўринбосари Ю. Л. Назаров, СССР Госгражданстройи раисининг ўринбосари М. П. Коханенко, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. С. Галкин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. Х. Маҳамадалиев, Қирғизистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. Б. Гусев, Туркманистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Д. Свиридов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

# „ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИГА

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 3 октябрга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **Фарғона** | 3,14 | 50,19 | 2,80 | 27,41 |
| **Бухоро** | 2,06 | 40,11 | 0,96 | 6,61 |
| **Хоразм** | 2,65 | 38,02 | 2,07 | 19,07 |
| **ҚҚАССР** | 2,46 | 38,01 | 2,05 | 26,14 |
| **Сурхондарё** | 2,38 | 30,00 | 3,29 | 24,97 |
| **Наманган** | 2,90 | 28,26 | 2,76 | 16,03 |
| **Тошкент** | 3,94 | 28,18 | 4,81 | 27,55 |
| **Самарқанд** | 2,10 | 20,09 | 1,54 | 6,76 |
| **Андижон** | 1,64 | 19,50 | 1,04 | 6,75 |
| **Навоий** | 1,71 | 18,96 | 0,84 | 2,92 |
| **Қашқардарё** | 1,25 | 18,93 | 1,17 | 10,74 |
| **Жиззах** | 2,44 | 17,42 | 2,48 | 17,01 |
| **Сирдарё** | 3,73 | 15,95 | 5,06 | 18,41 |
| **Республика бўйича:** | 2,48 | 28,45 | 2,45 | 16,57 |
| **Шу жумладан ингичка толали пахта:** | | | | |
| **Сурхондарё** | 3,87 | 45,63 | 6,32 | 41,04 |
| **Наманган** | 2,22 | 44,18 | — | — |
| **Бухоро** | 2,22 | 36,66 | — | — |
| **Навоий** | 2,96 | 35,80 | 0,04 | 0,18 |
| **Қашқадарё** | 0,84 | 9,21 | 0,59 | 3,13 |
| **Республика бўйича:** | 2,82 | 33,83 | 4,10 | 26,36 |

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЕСЕНИНХОНЛИК

Сергей Есенин туғилган куннинг 91 йиллигига бағишлаб, Ўзбекистонда адабий ўқишлар бошланди. 3 октябрь куни Тошкент политехника институтида шу воқеа муносабати билан тантанали кеча бўлиб ўтди. Республика шоирлари студентлар ва муаллимлари ҳузурига келиб, С. Есенин шеърларининг ўзбек тилига қилинган янги таржималаридан ўқиб бердилар, Есенин қадами етган жойлар бўйлаб қилинган сафарлар, Константиново, Ленинград ва Москвада шоирнинг қариндошлари, дўстлари билан бўлган учрашувлар тўғрисидаги таассуротларини ўртоқлашдилар. (ЎзТАГ).

